

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (3253).

Шанба, 5 февраль 1966 йил.

Баҳоси 2 тийин.



Тошкент кўи ком-
бинатда сунъий чарм
заводи бунёд этаётган
бинокорлар аjoy и б
муваффақиятлн қўлга
киритдилар. Объект
қурилиш мuddатидан
олдин тугалланди. Хо-
зир агрегатлар мон-
тажи жадал суръатлар
билан олиб борилляпти.
Завод ҳар йили пой-
афзал фабрикалари
учун 3675 тонна қат-
тиқ чарм етказиб бе-
ра олади. Суратда:
автоматика пехи бoш-
лиғи А. Шарипов (чап-
да) ва монтажчи Г.
Халиф ўртоқлар ус-
куналар монтажи си-
фатини кўздан кечир-
моқдалар.

И. Глауберзон ва
В. Сироткин фотоси.

А. Н. Носигин Афғонистон Бош министри билан суҳбатлашди

Афғонистон Бош министри Му-
ҳаммад Хошим Мейвандвал Крем-
да 3 февралда СССР Министрлар
Советининг раиси А. Н. Носигин
билан учрашди.

Учрашувда 2 февралда
булиб ўтган учрашувдаги суҳбат
давом эттирилди. Совет-Афғон
дўстона муносабатларини янада
дипломантириш масалалари му-
ҳоима қилинди.

Учрашувда Совет томонидан:
СССР Ташқи ишлар министри
А. А. Громыко, СССР Министр-
лар Совети ташқи иқтисодий
алоқалар Давлат комитети раиси-
ниги ўринбосарлари И. В. Архи-
пов, Г. С. Семёнов, СССР Таш-
қи ишлар министрининг ўринбосари
П. Н. Куминин, Совет Итти-
фоқининг Афғонистондаги элчиси
К. И. Александров, СССР Ташқи
ишлар министри ўрта Шарқ
мамлакатлари бўлимининг муди-
ри С. П. Кинтев, СССР Ташқи
савдо министри ўрта Шарқ-Жану-
бий Осиё ва Яқин Шарқ мамла-
катлари билан савдо бошқармаси-
нинг бошлиғи В. Б. Спандарян
иштирок этдилар.

Учрашувда Афғонистон томони-
дан: ташқи ишлар министри Нур
Аҳмад Эътимодий, планлаштириш
министри доктор Абдул Ҳаним
Зиёй, Афғонистоннинг Совет Ит-
тифоқидagi элчиси Муҳаммад
Ориф, умумийсиёсий департамен-
тининг бош директори доктор Равон
Фарҳодий, Афғонистон ташқи
ишлар министрининг иқтисодий иш-
лар департаментининг бошлиғи
доктор Абдул Воҳид Карим қат-
нашдилар.

Суҳбат ҳамжиҳатлик ва дўст-
лик асосида ўтди. (ТАСС).

Афғонистон Бош министри Москва- дан жунаб кетди

Совет ҳукуматининг таклифига
биноан, расмий ишти билан ма-
макатларда меҳмон бўлиб турган
Афғонистон Бош министри Му-
ҳаммад Хошим Мейвандвал 4
февралда Москвадан жунаб кет-
ди.

Афғонистон ва Совет Иттифоқи
давлат байроқлари билан бе-
за-тилган Внуков аэропортида ҳур-
матли меҳмон СССР Министр-
лар Советининг раиси А. Н.
Носигин, Министрлар Совети ра-
исининг биринчи ўринбосари К. Т.
Маузуров ва бошқа расмий киши-
лар кузатиб қолдилар.

Муҳаммад Хошим Мейвандвал
Кремда, Тошкентдан ва Ўзбеки-
стонда бўлади. (ТАСС).

Афғонистон Бош министри Кримга келди

СИМФЕРОПОЛЬ, 4 февраль.
(ТАСС МУХБИРИ). Совет Итти-
фоқи бўйлаб сафар қилиб юрган
Афғонистон Бош Министри Му-
ҳаммад Хошим Мейвандвал бугун
Кримга келди.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Москвалик ва ленинградлик са-
ноатчилар ташаббусига қўшилган
республика монтаж ва махсус ку-
рилиш ишлари министри кўр-
хоналари кўплаб металл ва мате-
риалларни тежаш бўйича ўз эма-
лаларига конкрет мажбуриятлар
олдилар.

«Узэлектромонтаж» трести кол-
лектив йил давомида 49 минг
400 метр смл, минг метр кабелъ,
169 тонна қора металл ва 5200
килограмм кўрошнини иқтисод
қилиб қолиш бўйича кураш бош-
лади. «Ташантехгазмонтаж» би-
нокорлари эса ҳамкасблари изи-

дан бориб, 120 тонна чўян, кўп-
лаб металл ва асбоцемент тру-
баларни тежаш қолишга қарор
қилишди.

Тежамкорлик учун бошланган
юршга Тошкент санитария-техни-
ка ускуналари заводи меҳнат-
кашлари ҳам қўшилишди. Корхо-
на ишчилари, инженер-техник хо-
димлари бир қатор муҳим тад-
бирларни амалга ошириш билан
36 тонна металл, 26 тонна чўян,
3,5 минг килограммга яқин бўёқ
ва бошқа хил материалларни те-
жаш қолишга аҳд қилишди.

КПСС XXIII съездинн муносиб
савгалар билан кўтиб олишга от-
ланган министрилик корхоналари
коллективлари ҳозирги кунда зўр
гайрат билан меҳнат қилмоқда-
лар. Улар съезд очилмайдиган кун-
гача янги йилнинг дастлабки
квартал планини бажариш ва кўп-
лаб материалларни иқтисод қи-
либ қолиш учун тинмай кураш-
моқдалар.

С. МУРТАЗОВ.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

КПСС XXIII съезди шарафига
бошланган социалистик муСОБАқа
Октябрь революцияси номли
тепловоз-вагон ремонтн заводи
чеклари бўйлаб тобора кенг қу-
лоч ёймоқда. Мусобақага қўшил-
ган коллективлар ҳозирроқ даст-
лабки муваффақиятларни қўлга
киритмоқдалар.

Тепловоз чехининг Зоҳид Ази-
зов бошчилиги қилаётган секция-
си участкаси янги йилнинг даст-
лабки ойини корхонада биринчи
бўлиб якунлади. Январ ойи да-
вомида пландаги 30 ўринга 32
та секция сифатли ремонтдан
чиқарилди. С. Чингаров, Д. Вой-
ко каби пешқадам ремонтчилар

бу муваффақиятга ўзларининг
натта улушларини қўшидилар.
Улар ҳозир ҳам смена тошпири-
ларини ортиги билан адо этиб,
февраль ойи планини бажарат
банабришга ҳаракат қилмоқдалар.
Секция аъзолари февраль ойида
35 та секцияни ремонт қилиб
бериш мажбуриятини олишган.

Съезд шарафига меҳнат вахта-
сида турган дизель чехи коллек-
тивни ёрлаган ютуқлар ҳам дил-
ларини қувонтирди. Ремонтчилар
янги йилнинг дастлабки ойида
28 та дизель мотори ва 4 та
«ЧМЗ-2» тепловозини яна са-
фарга йўлладилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

ТАСС АХБОРОТИ „ЛУНА-9“ ОЙГА ҚЎНДИ

31 январда учирилган «Луна-9» автоматик станцияси 1966
йил 3 февралда Москва вақти билан соат 21:45 минут 30 се-
кунда Ойдаги Рейнер кратери билан Марий кратерининг
ғарбидagi Бўронлар океани раёнида Ойнинг юзасига юмшоқ-
қина қўнди. Ой юзасида турган станция билан радио орқали
домий алоқа қилиниб турибди. Эшиттиришлар 183,538 мега-

герц частотада олиб боришмоқда. Станциядаги аппаратлар
нормал ишлаб турибди.
4 февраль Москва вақти билан соат 0 дан соат 0-у 15
минутгача навбатдаги радиоалоқа сеанси ўтказилди. Бу сеанс
муваффақиятли ўтди.

ЭНГ КАТТА ИЛМИЙ МУВАФФАҚИЯТ

Физика-математика фанлари
доктори А. Масевич «Луна-9»
станцияси учушининг якунла-
рини шарҳлаб, бундай деди:

— Биз, астрономлар, шу-
ндай кун келишини кўндан бери
кутмоқда эдик. Совет фани
иконий изланишлари ва му-
ваффақиятларининг натижаси
бўлган автоматик станциямиз
Ойга бориб тушушига совет
конструктор олимлари эришиш-
ларини билар эдик. Ойга қи-
линган янги «атака» энг кат-
та ғалаба билан тугалланди,
деб ҳисоблайман. Ер абадий
йўлдоши орқа томонининг со-
вет дуниқлари ёрдами билан
фотосурати олинганлигини Ой-
ни заёт этиш учун курашдаги
биринчи қадам, деб ҳисобласак,
бу ғалаба мана шу курашдаги
иккинчи энг муҳим қадам бўл-
ди, демоқ керак.

Биз Ой тўғрисида, жумладан,
унинг юзаси тўғрисида, унинг
устки қатламнинг химиявий
таркиби тўғрисида кўпроқ на-
рсаларни билишни, Ойнинг сейс-
мик хоссалари тўғрисида, яъни
унинг ички тузилиш тўғриси-
да маълумотлар олишни ис-
таймиз. Янги илмий эксперимент
Ой юзасига биринчи марта
одам бориб тушадиган кунга
бизни яқинлаштирди.

Совет конструкторлари ва
олимларини янги порлоқ ғала-
ба билан чин кўнғилдан қут-
лайман. (ТАСС).

ОЙ ЮЗ КЎРСАТАДИ

Космосчи тадиқ қилишга ба-
ғишланган совет программаси
ҳал қилувчи вазифаларини ўз
олдига қатъий нозил қилиб
қўйганлиги билан фарқ қила-
ди. Шунинг учун ҳам ушунда
ҳар бир эксперимент ҳақида
олдинги қўлга киритилган му-
ваффақиятларга таянувчи ол-
га қўйилган қадам бўлиши би-
лан бирга, янги тадиқотлар
туркумини бошлаб берувчи му-
ҳим элемент ҳам бўлимоқда.

«Восход-1» ва «Восход-2»
кемалари ер устига юмшоқчи-
на қўнди, яъни ер юзасига
қўнганда деярли урилмади.
Бундай қўниш натижасида ке-
ма кабинасидаги экипажнинг
шиқастланмаслиги, шунингдек
кемада joyлаштирилган ҳамма
асбобларни тўла равишда
омон сақлашни таъминлади.
Шунинг ҳам айтиб ўтиш ке-
раки, «Восход-1» кемаси ердан
юборилган командага мувофиқ,
ерга автоматик равишда қўн-
ди. «Восход-2» кемасини эса,
космонавтларнинг ўзи қўнди-
ди. Шундай қилиб, космосда
учиб юрган кемани ер юзаси-
га эсон-омон қайтаришининг
мумкин бўлган икки варианти
синовдан мукаммал ўтди.

«Луна-9» планетала ра ро
космик станциясини табиий
йўлдошимиз бўлган Ой юзасига
юмшоқ қўндириш жуда му-
раккаб иш эди. Шунинг назарда
тутиш кераки, Ой атмосфера-

сининг Ойга яқин қатламлари-
даги тизиллиги ер юзасига яқин
ҳаво қатламларининг тизили-
шига нисбатан кўп миллион
мартга кам. Ойнинг шу қадар
сифрак атмосфераси Ой юзаси-
га яқинлашиб келаётган авто-
матик станциянинг тезлигини
камайтиришга аҳамиятли таъ-
сир ўткази олмайдн, албатта.
Бундай ҳолда кема тезлиги шу
кемадан ўзигадаги торкисловчи
аппаратларнинг ишн туфайли
камайтирилади, холос. Шу
билан бирга, Ойнинг нотаниш
шароитида станцияни аниқ
муъжаланган жойга қўндириш
вазифаси ҳам осон эмас, чуқ-
ки қўнгандаги ой аннқ муъ-
жалламаса, торкисловчи аппа-
ратнинг импульси кемани бош-
қа томонга йўналтирадиган қи-
либ ишлаб болашши мумкин

ва кема Ой юзасига юмшоқ
қўнмай қолиши мумкин.

Янги жуда мураккаб космик
эксперимент муваффақиятли
туғалланганлиги совет фани ва
техникаси мана шу жуда кат-
та вазифани ҳам удалаганли-
гини кўрсатиб турибди.

Космик кема Ой юзасига
юмшоқ қўндирилганлиги яқин
кечгусида Ой юзасининг таби-
ий автоматик асбоблар ёр-
дамида ўрнатишга имкон бера-
ди, сўнгра эса, Ойна экиппаж-
юбормоқ учун радиация вази-
ти қўлай бўлиши ва қўш ак-
тивлиги камайган бўлиши,
яъни одам учун хатарли нур-
ларни қуёш, атрафга кавроқ
мислорда юборайтган вақтга
тўғри келиши шарт.

Астроном В.АРЕНТБЕВ,
ТАСС илмий обзюрчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1965 ЙИЛДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети ҳузуридаги Марказий
статистика бошқармаси Ўзбеки-
стон ССР халқ хўжалигини ривож-
лантириш давлат планининг 1965
йилда бажарилиш якунларини
эълон қилди.

Ахборотда бундай дейилади: Ўз-
бекистон меҳнаткашлари етти йил-
ликнинг якунловиши йили бўлган
1965 йилга республика халқ хў-
жалиги ва маданиятининг барча
тармоқларини ривожлантиришда
янги янги ютуқлар билан ишон-
ладилар.

Ўзбекистон ССР саноат корхона-
ларининг коллективлари 1965
йилда ялли маҳсулот ишлаб чи-
қариш планини 103 процент ба-
жардилар. Саноат ишлаб чи-
қаришнинг ҳамжи ўтган йилдагига
нисбатан 8 процент ортди. План-
дан ташқари бир неча ўн миллион
сўмлик ялли маҳсулот ишлаб чи-
қаришда, асосан электрэнергия хо-
сон қилиш, азотли ўғитлар, ўлат,
карнади, Қорақалпоғистон АССР-
ни истисно қилганда, Тошкент
шаҳри ва республиканинг барча
областлари саноат маҳсулоти иш-
лаб чиқариш йиллик планини ба-
жардилар.

Оғир саноат тармоқлари энг тез
суръатлар билан ривожлантирил-
ди. Етти йилликнинг сўнгги йили-

да ишлаб чиқариш ҳамжи газ са-
ноатида 80 процент, химия саноа-
тида 26 процент, электрэнерге-
тиза саноатида 25 процент, қора
ва рангли металлургияда 36 про-
цент, бинокорлик материаллари
саноатида 18 процент, машина-
созлик ва металл ишлашда 14
процент ортди. Саноатнинг мана
шу тармоқлари жуда тез суръат-
лар билан ўсганлиги СССР саноа-
тида Ўзбекистоннинг аҳамиятини
янада оширишга ёрдам берди. Ет-
ти ва озиқ-овқат саноати тармоқ-
лари янгидаг ривож топди. Рес-
публикадаги деярли барча минис-
триклар ва идоралар ялли маҳ-
сулот ишлаб чиқариш йиллик пла-
нини бажардилар.

1965 йилда маҳсулотнинг қўн-
гана жуда муҳим турларини иш-
лаб чиқариш, жумладан, қўнма
газ чиқариш, электрэнергия хо-
сон қилиш, азотли ўғитлар, ўлат,
протек, пахта териш машиналари,
тракторлар, трактор сепкалари,
қўшқач қўнғирдиған машиналар,
центробеж насослар, компрессорлар,
автомобиллар, пахта подбор-
кичклар, цемент, шифер, дераза
ойнаси, мебель, пахта толаси, пой-
афзал, қаймоғи олинмаган сут
маҳсулотлари, мол ёғи ва ўсимлик

Шу билан бирга, республика-
даги айрим саноат корхоналари-
нинг ишлаб чиқариш фаолиятида
камчиликлар содир бўлди. Нати-
жада маҳсулот чиқариш кўпай-
тирилган бўлса ҳам аммо, фос-
фатли ўғитлар, бронзабеллар,
экскаваторлар, қурилишбон гишт,

йиғма темирбетон конструкциялар
ва деталлар, қозоқ ишлаб чиқар-
иш плани, шунингдек халқ ис-
теъмол қиладиган бир қанча мо-
длар: тўқилмаган газлама мате-
риаллар, пайпоқлар, кондитер бу-
юмларини ишлаб чиқариш плани
гўла бажарилмади. Айрим маши-
насозлик корхоналарида ускуна-
лардан фойдаланишда зарур бўл-
ган даражада яқинлашишга эри-
шилмади.

Баъзи корхоналарда ишлаб чи-
қариш қувватлари секин ўзлаш-
тирилмоқда. Бир қанча корхона-
лар маҳсулот чиқариш, янги те-
хникани ишлаб чиқаришга жорий
қилиш, меҳнат унумдорлигини
ошириш, товар маҳсулот таннар-
хини камайтириш ва жағгарма
ўрлаш планларини бажарадича-
лар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашлари сув жўда тақчил
бўлганлиги сабабли, қийинчи қи-
яйилганлиги рўй берганлигига қар-
рамай, етти йилликнинг тугал-
лови йилда пахтачилик ва
ишлаб чиқаришнинг бошқа бир
қанча тармоқларини юксалтириш-
да катта ютуқларни қўлга кирит-
дилар.

1965 йилда Ўзбекистон пахта-

корлари пахтадан тарихда
мисли қўрилмаган ҳосил етиш-
тириб, давлатга 3 миллион 903
минг тонна «оқ олтин» тошпирди-
лар. Давлат планини ва қабул қи-
линган охирилган социалистик
мажбуриятларни Қорақалпоғистон
АССР, ҳамма областлар, деярли
ҳамма районлар ва пахтакор хў-
жалиқларнинг катта кўпчилиги
ошириб бажардилар.

Қовун-тарвуз, мева, узум ва

деҳқончилик маҳсулотининг бошқа
баъзи турлари 1964 йилдагига
нисбатан кўпроқ етиштирилди.
Чорвачилик янада ривожланди.
1965 йилда республика колхозла-
ри ва совхозлари ўз чорва молла-
рини урчишиб қўлайтириш ва чор-
вадорлик маҳсулоти кўрсаткичла-
рини яқинлашдирил, чорванинг но-
буд бўлишини анча камайтирдилар.
1965 йилда республикада чорва
туғри қўлайди. Сут, тукум, жун,

қорақўл тери ва пилла етиштириш
1964 йилдагига нисбатан қўлайди.
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
етиштириш ҳамжнининг ошганлиги
шу маҳсулотларни давлат йўли
билан тайёрлаш ҳамжнини қўлай-
лаштиришга имкон берди. 1965
йилда пахта, шолн, тамани, кар-
тошка, сабзавот, қовун-тарвуз,
мева, узум, тукум, қорақўл тери,
пилла тайёрлаш планлари ошириб
бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

Оллоҳободда Тошкент кўчаси

ОЛЛОҲОБОД [Уттар-Ра де ж
штати] муниципал уюшмаси Тош-
кент Декларацияси имзолашини-

Тошкентнагар қишлоғи

ДЕХЛИ, 4 февраль. (ТАСС).
Перамбур онгрудига (Мадрас
штати) янги қишлоқ аҳолиси
Бош министр Шастри билан Пре-
зидент Алохонинг совет ерида
утназилган учрашув шарафига
ўз қишлоқларига Тошкентнагар
номини қўйдирил, деб баҳар бе-
ради ПТИ агентлиги. Шу муноса-
бат билан қишлоқда деҳқонлар-
нинг минтинги бўлиб ўтди.

Тошкент учрашуви шарафига

КОЛОМБО, 3 февраль.
(ТАСС). «Цейлон обсервер» га-
зетасининг хабар беришига ка-
раганда, Кадутара шаҳрида ис-
тиқомат қилувчи Муҳаммад

Аниф 24 январда туғилган ўг-
лига Ҳиндистон билан Поки-
стон ўртасида имзолаган Тош-
кент декларациясини шарафига
Тошкент деб ном қўйган.

М. СУЛТОНОВ,
бинокор инженер.

МЕХНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

Деҳқонлар хурсанд, руҳлари тетик. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашсангиз, утган йилги қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида завқлашиб ҳикоя қилишади. Хирмонимиз баранали бўлди, даромадимиз қўлайди, турмушимиз янада яхшиланган бораяпти, дейишади.

Чиндан ҳам шундай. Жданов номи колхоз миришкорлари утган йили 880 гектар ернинг ҳар гектаридан планда белгиланган 22 ўрнига 36 центнердан ҳосил олди. Механизаторлар дала ҳўжайинлари эгиб тайинланганликларини, шудгорлардан тортиб пахта йиғим-теримига ҳам механизаторлардан самарали фойдаланилганлиги колхозга галаба келтирди.

Бу йил ҳам ана шу тўғри йўлдан борилмоқда. Механизаторлар ўз пахта майдонларини кўнгалдагидек шудгор қилиб қўйганлар. Эндиликда улар ҳар кун устакхонада, Чопиқ транкторларини, култиватор ва селлажларини баҳорга тахт қилиб қўйиб чораларини кўрмоқдалар.

Далаларда меҳнат авжида. Деҳқонлар 14 та трактор, 2 та юк машинаси ва 8 от-арава билан кунга 80—100 тоннага етказиб кўнгалдагидек шудгор қилиб қўйганлар. Эндиликда улар ҳар кун устакхонада, Чопиқ транкторларини, култиватор ва селлажларини баҳорга тахт қилиб қўйиб чораларини кўрмоқдалар.

Сугориш шохобчаларини тартибга солиш учун ҳам кўнгалда шудгор қилиб қўйганлар. Эндиликда улар ҳар кун устакхонада, Чопиқ транкторларини, култиватор ва селлажларини баҳорга тахт қилиб қўйиб чораларини кўрмоқдалар.

Райондаги Фрунзе номи колхоз ҳам эндиликда илгор ҳўжайинлар сафидан ўрни олди. Қарийб 13 йил давомида деярлик

планини бажаролмай келаётган колхоз аъзолари мана уч йилда, сурункасига ёруғ юз билан, галаба рапорти бермоқдалар.

Утган йили эришилган натижа айниқса қувончли бўлди. Минг гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 24 ўрнига 28 центнердан хирмон кўтарилди. План 1964 йилга қараганда 20 мун олдин бажарилиб, ҳосил 4 центнерданга қўлайди. Бу йил колхоз деҳқонлари ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

Ваҳобқон Турғунов, Ганиқон Раҳимов ва Ситқон Раҳимов севган шоферлар жонбозлик кўрсатишди. Колхоз деҳқонлари ҳаминқад билан меҳнат қилиб 20 минг кубометрга қўйилган «Эшон», «Турман», 1.2—«Қоча» каналчалари ва колхоз территориясидаги сугориш шохобчаларини тартибга солиб қўйдилар. Колхознинг Стаханов, Фрунзе участкаларидаги механизаторлар бригада механизми ўрток Хусниддин Умрзоков раҳбарлигида барча қишлоқ ҳўжайини машиналарини мавсумга тахт қилиб қўйишди.

Кишини меҳнат улуғлайди, деб жуда тўғри айтидилар. Колхозда ҳалол меҳнат қилаётган, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун астойдил курашаётган кишилар муносиб танқидланмоқдалар. Мана, Усар ва Хасанат Ганиевларини олайлик. Бу ана-ука механизаторлар утган йили мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганликларини учун колхоз раҳбарияси уларни «Маскани» сўғил жашиниси билан уштакта механизми Хусниддин Умрзоковни олтин қўл соати билан мўкофотлади. Бундай ҳурматга сазовор бўлган миришкорлар колхозда оз эмас.

Хўжаликда кишилар меҳнатга оғил муносабатда бўлмоқдалар. Улар ўзлари етиштирган юқори ҳосилдан ўзлари моддий манфаатдор эканликларини тўла ҳис этмоқдалар.

Ю. БЕКМУРДОВ,
Б. САФАРОВ,
Қалин район.



ДУРКУН КЎЧАТЛАР

ЛЕНИН номи колхоз сабзавотчилари (Оржоникидзе району) кўламга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса парник ва теплица ҳўжайинида иш қилиш. 7-8 навбаҳор шу ердан бошлангандай. Помидор, қарам, бодрийн қўчатлари меҳр билан парвариш қилинмоқда. Теплица секцияси учун етиштирилган бодрийн қўчатлари туркираб-яшнаб турибди. Суратда: теплицанинг ишчан сабзавотчиларидан Санобар Вақророва дуркун қўчатларга сув сепмоқда. Бутун-орта шу қўчатлар теплицанинг ҳар бир секциясига 1000 тупдан ўтказилди.



БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

НОРМУҲАММАД ўз касбини севган, техниканинг мийридан-сирғача обдон ўрганиб олган йигит. У ёз бўйи гўза парвариши ва пахта йиғим-терим даврида ўз агрегатини соз ишлатиб, биргина Охунбоев номи колхозда эмас, Ўрта Чирчиқ районда ҳурматга сазовор бўлди. Нормуҳаммад Қолжоновнинг ҳечдарида табассум. Чунки у чигит экин агрегатини пухта тайлаб, баҳорни қаршилаб турибди.

И. Глауберзон,
В. Сироткин,
М. Тўйчиев фотолари.

ШУ КУННИНГ ФОТОЛАВҲАЛАРИ



ЕРИ ТЎҒНИНГ ЭЛИ ТЎҒ

Она еримиз бағрида қанчадан қанча бойлик яшириниб ётибди. Бу бойликлар ўз-ўзидан юзга чиқмайдилар, албатта. Уларни топиш, давлатимизга, халқимизга ишон қилиб, факат меҳнат орқали рубга чиқариш. Меҳнат қилиш учун эса, ерми билиш, уни яхши ишлаш, тупроқ таркибини ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, ерми минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдириш, сувга қондириш, оби-тобиде ҳайдаш зарур. Ер тўйса эл тўйди, дейди халқимиз. Дарҳақиқат бунда жуда катта ҳикмат бор.

Йилга якун ясар эканмиз, йил ўн икки ой давомида амалга оширган тадбирларимиз, қилган ишларимиз ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Пахта етиштириш учун йилнинг тўрт фаслида ҳам барқарор меҳнат қилмоқ керак. Баҳорда 1336 гектар ерга чигит экиди. Бу майдонлар кўзда сифатли шудгорлаб қўйилган эди. Шудгорлаш олдидан гектарига 300 килограммдан суперфосфат, 4 тоннадан гўнг солинган эди. Шу ерлар кўз ва қиш давомида қўйиб ётди. Ниҳоят, баҳорга келиб боронани бошладик ва чигит экишга киришдик.

Ерларни бороналаш олдидан ҳар бир гектарига 200 килограммдан фосфорит ўғит солинганлими жуда қўл келди. Чигит экилиши биланқўйи намга аралашиб, чигитни тез иши урдири. Натижада чигит суви беришга эҳтиж қолмади. Бизнинг тажрибамизда бороналаш олдидан ернинг хусусиятига қараб фосфорит ўғитлар бериш намин сиклаб қилиш имконияти туғдирагани исботланди. Энди ҳар йили ҳам ана шундай қиламиз.

Ўзга ўсиш даврида тўрт марта култивация қилидик. Уч марта сугориб, икки марта озиклантирдик. Сугориш даврида эгтарлар чуқур ва тўғри олинди. Бу биринчидан, сувнинг гўза идишларига яхши сингдишга шарафат туғдириган бўлса, иккинчидан, машина терими даврида агрегатларнинг эгтарлар бўйлаб қайқалмасдан, равои юришига, шпинделларнинг баравар пахта тортишига имконият яратиб берди. Демак, эгтарни нақадар чуқур ва текис олсанг, ишинг анча енгилашар, ҳаргажет бир мунча камаяр экан.

Юқорида ери тўғнинг эли тўғ дедик. Шу ҳусусда гўзани озиклан-

гулчиларининг кўпайишига эришилган эди.

Шундан кейин гўзани шарафат оқиб сугорибди. Гўзани сугориш, озиклантириш ишлари юзасидан колхоз баш агрономи Муллоқон Абдураулов доимий равишда контроллик қилиб борибди. Бостириб сугориш, сувни эгет оқирга етказмаслик, қўллаб юбориш каби қолларга барҳам бердик. Чунки, гўза туплари бараварига мириқиб сув ичмаса, озикдан яхши баҳраманд бўлмаса ҳосил камаяди, гўза бўйига, шокига зеб бериб кетади.

Бултур пахта йиғим-теримини ушқоқлик билан ўтказдик. Пиро-

ИЛГОРЛАР МИНБАРИ

тириш тўғрисида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман. Гўзани биринчи парвариш қилишда уни ниқолларнинг ўсишига қараб озиклантириш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, биринчи парвариш вақтида 150—200 килограмм аммиакли селитрани фосфорга қаралаштириб бердик. Иккинчи парвариш даврида эса ҳар гектар ердига гўзага 150—200 килограмм аммиакли селитрани 150—200 килограмм фосфорга аралаштириб бердик. Икки марта озиклантириш билан ҳар тўғ гўзани яхши ўстирдик, серхосия бўлишига эришидик. 10 июлдан кейин ўғит беришни тўхтатдик. Дарҳол чеканкага киришдик. Чунки энди ҳар тўғ гўзани бўйига эмас, энга ўстириш, яхши шокларини яхши ривожлантириш, ҳосил ту-

вардида, ҳар гектар ердан пландаги 29 центнер ўрнига қарийб 31 центнердан ҳосил топиридик. Давлат омирбодига 4200 тоннадан эҳадорқ «оқ олтин» етказиб бердик. Шунча пахтанинг 2100 тоннасини машиналарда йиғиштириб олддик. Ҳа, далаларимизда 43 та агрегат бетишни ишлаб турди. Машиналар катта мадала бўлди. Улар кўнгалда оқилана фойдаланиб, бир неча ўн минг сўмлик маблағни тежаб қолдик. СССР Министрлар Советининг 1965 йил 5 августдаги қарорига асосан эса, сифатли пахта топириш қилишига учун 118 минг 600 сўм қўшимча даромад қилдик.

Бу ютуқларнинг яна бир бониси шундаки, бизда комплекс механизациялашган эвеноларга кенг йўл очиб берилган. Колхозда 28 та мустакил эвено ташкил этилган бўлса, шундан 22 таси комплекс механизациялашган эвенолардир. Бу эвено бошлиқлари асосан механизаторлар ҳисобланади. Уларнинг ўзлари ер ҳайдашда, чигит экишда, гўза култивациясини ўтказишдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишга ҳам бўлган ишлари ўзлари бажаришди. Хуллас, пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларнинг 90 процентдан кўпрогини ана шу эвенолар бажаришди. Бу ўз навбатида меҳнат ва маблағ ҳаражатларининг кескин камайишига имконият бераётган бўлса, айни вақтда ҳосилдорлигини ҳам кескин оширмоқда.

Бир-иккита мисол келтираман. Бердиқул Абдуллоев бошлиқ эвено олиб қарайлик. Бу комплекс механизациялашган эвено 28 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топириди. Абдуллоевнинг ўзи бошқа дала ишларини

бажариш билан бир қаторда машинада 41 тонна пахта терди. Эвенонинг даромади 33 минг 951 сўмни ташкил этди. Улар 5160 сўм миқдорда мукофот ҳам олдилар. Бундан ташқари ҳар бир эвено эвеносининг иш кўнгал 5 сўм 60 тийиндан пул тақсимланаяпти.

Еки бошқа бир мисол: механизатор Қоракул Дўйсенов ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта топириди. Хотини Умиргул билан иккеласининг йиллик даромади 5 минг сўмдан ошиб кетди. Қоракул экин-да «Волга» автомашинаси сотиб олди ва яхши типда даниллама ўй қурди. У ерни эвенолашди, уни яхши ишлаб билиш, тўйдириш, қондириб сугориш орқали мўл ҳосил етиштириб, шундан катта даромадга эришди. Бундай механизациялашган эвенолар соми колхозимизда жуда кўп.

Мўл ҳосил колхозга ҳам, колхозчи ҳам яхши даромад келтиради. Ҳўжайиннинг умумий даромади 1 миллион 791 минг сўмга етди. Пахтачиликнинг ўзидан 1 миллион 620 минг сўм даромад олддик. Ҳозир колхозчиларнинг ҳар иш кўнгал 4 сўм 35 тийиндан пул тақсимланаяпти.

Даромад катта бўлган, турмуш маданияти ҳам юксалиб кетаярди. Бунинг биз ҳар қадамга қўриб, сезиб турибмиз. Утган бир йил кўнгалда колхозимизда 30 оила янги ўй қурди. 150 оила янги телевизорлар сотиб олди. Ҳамма уйда радио бор. Электр нурулари ҳар бир хонадонга кўмуш жўлава таратиб турибди. Энди колхозчиларимиз ариқ сувини ичмайдилар, қишлоқларда 7 та ертезиан қудуқ қазитганимиз. Ойлардан ана шу қудуқлар сувидан баҳраманд бўлишяпти.

Колхозчиларнинг 6 та участкасидаги оқилта жашининг клуб қишлоқ меҳнатчиларининг ҳикматида. Ҳозир у километрлик масофада участкаларро йўл қўйилди. Бу йил маданият саройи, касалхона қуришга киришмади.

Халол меҳнат қилиб ана шундай бахтли ҳаёт кечирайлик. Биз беш йилликнинг дастлабки йилда ҳар гектар майдондан 33 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдик. Ҳозирги ишларимиз ана шу аҳдага яраша ташкил этилди. Экин майдонлари аллақандон шудгорлаб қўйилган.

Кишини тадбирлар ҳам эңчиллик билан амалга оширилмоқда. 9 минг кубометр ҳаминдаги ариқ-завурларни тозалашимиз керак эди. Бу ишнинг 70 процентдан кўпроги бажарилиди. Бу йил 13 минг тонна гўнг жамғаришни мўлжаллаганмиз. Бу ҳар гектар ерга камда 10 тоннадан гўнг келади. Шу кеча-кундузда 15

та трактор принци, 2 та самосвал машина ва 2 та қолқил агрегати маҳаллий ўғит жамғариш билан банд.

Тракторлар ремонтни тугалланай деб қолди. 47 та чопиқ ва 11 та ҳалдор тракторининг 90 процентини ремонтдан чиқариб қўйдик. 23 та севяк ҳам мавсумга тахт қилинди. Қишлоқ ҳўжайини машиналарини ремонтни 10 февралда тугаллашни кўзда тутаяпти.

Шуни яхшики, бизда тракторларини эвено бошлиқлари — механизаторларнинг ўзлари ремонт қилишди. Шунинг учун ҳам ремонтнинг сифатидан ноилмаймиз. Ҳозир экин майдонларини сугоришми. Шу билан бирга бошқа дала ишларини ҳам жадел давом эттирмоқдамиз. Мақсадимиз ерни тўйдириш йўли билан ҳосилдорлигини тегин ҳам оширишдан иборатдир. Бу эса даромадимизни янада қўлайтиради. Фаровонлигимиз йилдан-йилга ошаваради. Ерга янада меҳр, муҳаббат билан қараймиз, уни яхши ишлаймиз.

И. АХМЕДОВ,

Йилгўл районидagi «Ўзбекистон СССР 30-йилги» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

ДАМ ОЛАДИЛАР ВА ДАВОЛАНАДИЛАР

Ўзбекистон қасаба союзлари Совети ва республика Соғлиқни сақлаш министрлиги болалар учун ихтисослаштирилган пионер лагерларини очибга қарор қилди. Бундай лагерлар Тошкент, Фарғона, Самарқанд областларида очилади ва қўшни область ўқувчиларига ҳам хизмат қилади.

Бу йил иш бошлайдиган учта ихтисослаштирилган пионер лагерларида жами бўлиб икки мингта экин ўқувчи дам олади ва даволанади. Бу лагерларда улар бошқа лагерлардагидек бир ой эмас, балки бир ярим ой бўлишади.

Н. СЕРГЕЕВ,

ЯНГИ АВТОСТАНЦИЯ

Оққўрғон районидagi «Дружба» қўчасида янги автовокзал қуриб ишга туширилди. Бу ердан областимизнинг турли шаҳар ва районларига муттасил автобуслар қатнаб туришни. Яқиндан бошлаб, бир неча маршрут бўйича экспресс автобуслари қатнайди.

М. КАНЗАФАРОВ,

ҚОБИЛ НЕГА МАКТАБДАН КЕТДИ

ра» қилмайдилар, балки уни ўзи тузатишга ҳаракат қилади, бунинг йўлини топади. Шунинг учун ҳам у педагог.

Болаларимиз тарбиясида жиддий аҳамият берилса, улар меҳнатсевар, ақилли-хушли бўлиб ўсаядилар. Шунинг учун С. Макаренконинг «...Агар бола безорилик йўлига ўтса, бунда бола айбдор бўлмай, балки педагогик метод айбондир», деган ақоиб сўзларини унутмаслик керак.

Тузалиши «қийин» бўлган боланинг ўртокларини ўртасида «ёмонсан» дейишнинг ўзи унинг тузалишига тўсик бўладиган сабаблардан биридир. Тузалиши «қийин» бўлган болага қуруқ пўнса ва ўртокларини ўртасида улайтириш йўли билан муомила қилмасдан, унга самимий муносабатда бўлиш, уни ҳар нарсага қизиқтиришни орттириш ва рағбатлантириб бориш керак. Бунда, албатта, синф раҳбари ўзининг педагогик маҳоратини ишга солиши лозим. Ўрток Н. Ҳасановлар аса, бунга амал қилмаган. Шу муносабат билан педагогик маҳорат ва айрим ўқувчиларимиз фаолиятидаги

камчиликлар тўғрисида ўз мулоҳазамизни баён қилмоқчимиз. Ўқувчилар ўқитувчилар билан дуч келиб қолсалар, дунгир сўзлашадилар, улар атрофини ўраб оладилар. Ўқитувчи эса, улар билан суҳбатлашади, лигиликлардан сўзлаб беради. Мана шундай учрашувлар ўқувчиларнинг қўнғилини кўтарди. Учрашувларга, коллектив аралашувига биз тузалиши «қийин» деб атаётган ўқувчиларни ҳам кўпроқ тортиш керак. Бу эса мақсадли мувофиқдир. Тузалиши «қийин» бўлган ўқувчиларни ўқитувчи ва коллектив назоратидан четда қоллиш унинг руҳан эңилишига ва асабларига каттик таъсир қилади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ўрганиб бориши керак. Кези келганда боладаги камчиликларини дўстона кўрсатиши, ютуқларини эса мақташи лозим. Агар бола тарбиясида бир томонлама ёндошилса, ўқувчи барибир ўқитувчини минг сазамиди, деган фикрда бўлади. Бу бир томондан тарбиянинг нормал ўтишига зарар етказса, иккинчидан ўқувчида ўқитувчига нисбатан ишонч йўқотади.

Шунинг оқибати бўлса керак, баъзи ўқувчилардан «нега сен фалон фалон «э» баҳо олдинг» деб сўралса, у қайтмай-кетмай: «Ўқитувчи мени ёндошмади» деб жавоб қайтаради. Қўнғилиб турибди, ҳар бир мураббий тарбиясинидаги бола ўзига бўлган ишончнинг орттиришга эришишни зарур. Бунинг учун педагог ўз тарбиясидаги ўқувчининг севиниш лозим. Ўз касбини севган ўқувчининг бунга амал қилади.

Қўнғилича биз ёмон ҳулқи ўқувчиларнинг ота-оналарини мактабга қачириб, болаларининг ҳулқи ҳақида ахборот берамизда, унинг тузалишини кутамиз. Ота-оналар эса, ўқитувчининг гапидан сўнг ўз болаларини қаттиқ қойишади. Бунинг оқибатида ўқитувчига нисбатан болада ҳурматсизлик пайдо бўлади.

Тузалиши «қийин» бўлган болаларнинг характери уларнинг юзига ёки юрш-турушига қараб олиб бўлмайди. Уларнинг характери ўрганиш ва шунга мос тузалиш аҳуолида бўлиш учун, аввало, уларда ишонч ҳосил қилиш лозим.

Айрим ўқитувчилар эса бунга

аҳамият бериш ўрнига, «бола тўғайиб, шунинг учун улгуроқ» дейди, мактабдан ҳайдаш керак» деб туриб олинади. Ўқувчининг қўнғилиш учун қанча-қанча бўлиб қўйиб, билим сарфланаётганини унутмаслик керак.

Биз юқорида ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан муносабатларини ҳақида сўз юритдик. Бу билан бола тарбиясида фақат ўқитувчи жавабгар деган маъно чикмади. Ҳар бир ота-она шунинг унутмаслигини керакки, бола тарбиясида ота-оналарнинг роли жуда ҳам катта.

Боланинг яхши ўқишида ҳам, интизомли бўлишида ҳам ота-оналар мактаб педагогик коллективига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Винобарин, ўрток М. Аъзамовнинг редакцияга ёзган хатини ўқитган ҳар бир газетхон Қўбилин ёмон ўқишга ота-она ҳам сабаби деган ҳулосага келаяди. Дарҳақиқат, Қўбилин ота онаси у ёмон ўқий бошлаганидан кейингина қиздиқан. Ваҳоланки, ота она мактаб ўқитувчилари билан доимо бамаслаҳат иш туташиб, ўз

боласини тарбиялашда педагогларга қўмақлаш бўлиши керак. Мактабдан кетиб қолганига Қўбилин ўзи ҳам айбдордир. Чунки, у ўқишга илҳос билан қарамасан, дарсларга актив қатнашмаган, билим олишнинг қалбига етмаган. Ахир, у ўқиса, билим олса ўзига фойда-қў! Бунда у хатоликка йўл қўйган.

Қўбилин яна мактабга қайтариш мумкин. Бунинг учун мактаб коллективини ҳам, Қўбилиннинг ота-онаси ҳам унинг тарбиясида, ўзлаштиришдан боқабар бўлишлари, характери пухта ўрганиб, ўқишга қизиқтириб боришлари керак.

Ўғил-қизларимизнинг ахлоқли, меҳнатсевар ва билимдон бўлиб юзга етишлари ўзимизга боғлиқ. Бола ахлоқсиз бўлиб туғилмайдиган, ўзлаштиришдан қалбига етмайди. Уни ёшлигидан қанчалик тўғри тарбияласан, у ҳам ахлоқли, ҳам ўқимшли, ҳам меҳнатсевар, ҳам одамларга меҳрибон бўлиб қамол топади.

ҒУЛОМОВ,
Тошкентдаги 40-кечи ишчи-
лар мактабнинг ўқитув-
чиси.



«Мен Киров районидagi ўт ўчириш номандасида ишлайман. 8 фарзандимиз отасиман. Катта ўғлим Совет Армияси сафида хизмат қилапти. Иккинчиси 174-мактабда ўқийди.

Лекин, редакцияга хат ёзиб, оиламиз аъзоларини қизиқтираётган бир масалани фикрлашмоқчиман. Гап шундай: Ўғлим Қобил авваллари яхши ўқирди. 7-синфга ўтган-у, олдинги иштишлари аста-секин сўнди. Икки йил 7-синфда қолди. У 101-хўжарига 174-мактабда 6 йил ўқиб «ёмон» бўлмаган эди. Негиз 7-синфда бирдан «ёмон» ёки «тузаламайган» ўқувчи бўлиб қолди ва ўқини ташлаб кетди. Ҳозир некин мактабга кириш ниятида.

Бу масала мени ташвишга солди. Мактабга бордин. Ўқитувчилар билан суҳбатлашдик. Улар ўғлим ҳақида факат ёмон фикрда.

Ўғлимнинг ўқини учун унда яхши шарафат яратиб берилган. Қобилини ҳам яхши. Ҳайронман боланинг «ёмон» бўлишига, ўқини ташлаб кетишига нималар сабаб бўлаяпти. Бу масала мени жуда қизиқтирди.

М. АЪЗАМОВ,

Ўрток М. Аъзамовнинг хати юзасидан педагог Т. Ғуломов шу мактабда бўлиб, ўқитувчилар билан суҳбатлашди ва қуйидаги мулоҳазаларини билдириб, ушбу мақолани ёзди.

Тажрибалар шунинг кўрсатилгани, баъзи ўқитувчилар ўқувчининг фаиллардан «э» баҳо олишига ота-оналар айбдор, дейдилар. Бир томондан бу тўғри. Аммо улар бола тарбиясини ўзлари ҳам қўлол равишда бўзаятганликларини сезмайдилар. Қўбилиннинг «ёмон» бола бўлиб қолганига ҳам шундай нотўғри тарбия сабаб бўлган.

Тўғри, Қобил интизомли ўқувчи эди. Бошлангич синфларда дуруст ўқирди. Лекин, 6-синфга ўтган-у, ўқийдиган сўвиб бошлади. Синф раҳбари ўрток Н. Ҳасановлар аса

КОСМОС ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ҳамма номидаги Республика илмий атеизм уйи шу кунларда одадидан гавжум. Бу ерда яқинда ташкил қилинган ва «Космосни ўзлаштириш» деб аталган экспозиция ҳаммадан диққатни ўзига тортади. Экспозицияда қўйилган фотосуратлар, макетлар инсоннинг космосни ўзлаштириш соҳасидаги буюк ишларини ўзига акс эттиради.

Ер атрофидаги кең фазони ҳамда космосдаги ҳодисаларни ўрганиш ҳамма вақт кишилар диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Ушунинг буюк олимлари Ер ҳақида, Кўш ҳақида, унинг атрофида айланаётган планеталар ҳақида ҳаёли сурбистон қолмай, балки бу соҳада жуда катта нафсиётлар қўйилган.

Янги экспозициялар бўлими кўчма кўшиқчилардан бири К. Э. Циолковский фотосурати билан бошланади. Ажойиб рус олими, ҳозирги замон космонавтика фанининг отаси ҳисобланган Циолковский кишиларга космосни амалий жиҳатдан ўзлаштириш, ернинг тортиш кучини енгиб, фазода қадам қўйиш асосларини яратиб берди. Циолковский инсонни космосга олиб чикувчи асосий восита бўлган ракета двигателини илмий асосда ҳал қилди. Реактив двигатели кишини космосга олиб чиқди. Музейга Циолковский чертёжлари бўйича тайёрланган планеталаро кеманинг макет сурати қўйилган. Тузиллиш жиҳатидан жуда содда қўйилган ана шу кема ҳозирги замон космик кемаларининг бошланғич кўринишидир. Сурат ёнига ҳозирги замон кўп босқичли ракетасининг монтаж қилинган кичик нусхаси қўйилган. Қўдратли ракета Циолковский илми асосида бунёдга келтирилган. Совет олимлари суюқ ёнигли билан ишловчи ракета двигателларини бунёдга келтирдилар. Ана шу ёнигли ракета двигателларида ёниш на- тимасида юқори температура- даги газлар ҳосил бўлиб, улар катта тезлик билан ракетадан ташқарига ҳаракат қиладилар ва уларнинг қарши ҳаракати ракетага олға ҳаракат қилибди. Суратлардан бирида ракетага олға ҳаракат қилиб кетганини ана шундай ҳаракат схемаси чиқиб кўрсатилади.

Шунингдек, бу ерда Ер сунъий йўлдошларининг яратилиш тарихига оид чизма сурат ва

экспонатлар ҳам бор. Уларда совет олимлари, инженер ва техникларнинг биринчи сунъий йўлдош яратилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу йўлдошлар космоснинг дастлабки разведкачилари эди. Ҳозирги вақтда ана шундай Ер сунъий йўлдошлари ердаида космосни тадқиқот қилиш да- мотида қўйилган. Совет Итти- фодаида юздан ортиқ «Космос» йўлдошлари фазода учиради. Эндиликда қўдратли космик ракеталар фазони штурм қи- лоқда.


Инсоннинг космик фазони ўзлаштириши Ер ва Койноз тўғрисидаги диний тушуначалар- га жуда катта зарба берди. Ин-

соннинг ўз қўли билан яратил- ган фазовий жисмлар бу ту- шуначаларнинг қилганини қилиб, кишилар онига катта ўза- рини ясади.

Музей экспозицияларида ин- соннинг космосга чиқиши ва фазода биринчи бор қадам қў- йиш тарихига оид сурат, диа- граммалар катта ўрин эгал- лади. Диаграммалардан бири- да совет ва америка космо- навтларининг космик кемалар- да учиб вақтлари, космосда бо- сиб ўтган миллионлаб километр йўллари, учибнинг қанча да- вом этганига ва Ер атрофини неча марта айлантилиши тўғри- сида рақамлар келтирилган. Ана шу рақамлардан космосни

ўзлаштириш соҳасида инсон қўйган дастлабки қадамларнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам кўриш мум- кин.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.



Суратда: илмий ходим С. Римковская томошабинларни кўргазма экспонатлари билан таниш-тирдирмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИҚОЗОҚ ЭСТРАДАСИ
ТОШКЕНТДА

Шу кунларда эстрада театри саҳнаси қардош Қозоғистон санъаткорлари ихтиёрига бе- риб қўйилган. Пойтахт томо- шабинлари қозоқ халқининг миллий музикаси, рақси, қў- шиклари билан танишмоқдалар.

Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Ёсимжонов ва икки эгган қўшиқлар то- мошабинларга жуда манзур бўлипти. Эстрада солистлари З. Ушурова, М. Ёсимжонов, Л. Делеко, М. Хамзин, Т. Бўй- рабоевлар ҳам лирик қўшиқ- лари, шўх лапарлари билан концерт программасини бой- ташган.

Қардош санъаткорларимиз концерти катта муваффақият билан ўтди.

У. ШАРОПОВ.

ШЕРАЛИ МУСЛИМОВНИНГ ЭЛЛИК НАБИРАСИ

ВОКУ. 1 февраль. (ТАСС мухбири). 160 ёшлик Озарбай- жон деҳқони Шерали Мусли- мовнинг элликчи набираси туғилди. Эндиликда дунёдаги энг кекса одам оиласининг аъзолари икки юз кишидан ошиб кетди.

Бу ҳодиса тоғлиқ оқсоқол оиласидаги бошқа бир байрам билан бир вақтга тўғри келди. Унинг ўрта аълод набиралари- дан бири — Мирзо Фарзиев 75 ёшга тулди.

Туғилган кунига 75 ёш тул- ганлигини нишонлаётган Мирзо Фарзиев уйда бўлиб ўтган йи- гинда Шерали ота таъриқ нут- қи сўзлаб, уни «йигитча» деб атади. Бизнинг аълодимиз ки- шилари учун бир аср яшаш ҳеч гап эмас, — деди у. Мусли- мов ўзининг отаси 120 йил, онаси 110 йил яшаганини эсла- тиб, «мен ўзимни йилдан-йил- га текис ҳис қилаётман», деди. Шерали ота набирасига қараб, сен ҳам менинг ёшимга етгин, деган тилани билдирди, — ва унинг соғлиги учун бир қадах... — мана шарбади ичди. Авлод оқсоқоли ҳатто таънанали маро- симларда ҳам спиртан ичимли- ларни ичмайди.

Ҳозир Тошкент тоғида кун со- вуқ, лекин ёнғинчилик бўлиб турган вақтда ҳам тиниб-тинчи-

мас Шерали ота уйда ўтира олмайди. У ҳар кун хассаси- ни қўлига олиб, Барзаву қим- лоғидан Лерик район маркази- га олиб борувчи йўлга чиқади. Агар бир айланиб келмасам, худди бир нарсани йўқотган- дек бўлиб тураман. Деди Мусли- мов. Кишлоқдагиларнинг килган ҳисобига қараганда, Шерали ота ҳар кун йўрта хи- собда ўн километрча пиёда юради.

ИЛМИЙ-ТЕХНИК
КОНФЕРЕНЦИЯ

«Узгирловхоз» клубида ёш ил- мий-техник мутахассисларнинг кон- ференцияси бўлиб ўтди. Институт директори ўртоқ Б. Қодиров конфе- ренцияни очиб, ўтган йили қилин- ган ишларга йўл ясади ва лойи- ҳакарларнинг беш йилликда қилган ишларини ҳақида батафсил тўх- талиб ўтди. Агроном-экономист Н. Раҳмонов, инженер Г. Соронкин ва бошқаларнинг докладлари конфе- ренция қатнашчиларида катта таъсир- тортди.

Тўрт кун давом этган конфе- ренцияда 30 га яқин доклад тинглан- ди ва муҳокама қилинди.

Ю. НУРМУҲАМЕДОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

КОСМОСНИ ЗАБТ ЭТИШДАГИ МУҲИМ ДАВР

ВАРШАВА. 4 февраль. (ТАСС). «ЛУНА-9» станцияси Ой юзасига юмшоқ қўнди, бу билан космик фазони забт этишда шу вақтгача босиб ўтилган барча босқичларнинг жуда қийини муваффақиятли тугатилди, деди ПАП агент- лиги вакили поляк олим- профессор Михаил Луц. Совет олимлари Ойга одам учинидан олдин унга автоматик станция учуришди керак ва бу стан- ция биринчи «Селенонавт» тўплаши мумкин бўлган қим- матли илмий ахборотни, ёки ундан ҳам қimmatлироқ бўлган илмий ахборот бериши мумкин, деган фикрни илгаридан айтиб келган эдилар.

Мен шахсан совет фанининг 1-йўлдошининг биринчи марта муваффақиятини учинидан ва инсоннинг — Юрий Гагарин- нинг космосга биринчи марта учинидан қўлимайдиган жуда катта муваффақиятидан гоёт ҳақонланаман.

ПРАГА. 4 февраль. (ТАСС). Чехослования телевидениеси ва радиоси, деб хабар беради ЧТК агентлиги, яна «ЛУНА-9» совет автоматик станциясининг Ойга юмшоқ қўнганини хабар қилди. Телевидение обзор- чиси бу воқеани совет фани ва техникасининг янги муваффа- қиятидир, деб атаб Совет ко- монавтикаси эришган муваф- фақиятини қизини таъриқлади ва космосни забт этишда Совет Иттифоқи олдинда, бораётган- лигини таъкиллаб ўтди.

БЕРЛИН. 4 февраль. (ТАСС). Немис Фанлар акаде-

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ
БҲУН ХИД ХАЛҚИ
МАНФАДАЛАРИНИ
ИФОДАЛАЙДИ

ДЕХЛИ. «Тошкент Декларация- си бҲуН хид халқи манфаат- ларини ифода қилади. Бу Декла- рация кэрорлари билерини тўғри йўлдан олиб беради», — деди Хиндистон мудофаа министри Я. Б. Чаван.

Чаван Тошкент Декларациясига баъишланиб, Деҳлида ўтказилган оммавий йиғинда сўзга чиқиб айтидики, мамлакатнинг мен бил- лен биргаликда Тошкент Декла- рациясини муҳокама қилган олий ҳарбий раҳбарлари бу Декла- рация ҳамма нуктаи назардан «Хин- дистоннинг миллий манфаатлари- га бутунлай мос бўлиб тўшди» деб мени ишонтирдилар.

Тошкент Декларациясининг энг асосий хусусияти шундаки, деда министри, Декларация ҳар қандай монорон хид этишда куч иш- латишни, бир-бирларининг иш- тишларига оралишини рад этади. Декларация, деди Чаван, — Хин- дистон ва Покистон ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатилишининг де- босидаги, бу эса Совет Итти- фокнинг ташаббуси туфайли мумкин бўлиб қолди.

миёси (Германия Демократик Республикаси) физика-техника институтининг директори про- фессор Роберт Роме ТАСС мухбирига бундай деди: «Катта илмий эксперимент муваффақ- ятли тугатилганлиги — «Лу- на-9» станцияси Ой юзасига юмшоқ қўндирилганлиги билан совет олимларини самимий қўтлайман». «Биз, деди про- фессор, Совет Иттифоқининг бундай муваффақиятига бирин- чи бўлиб эришувига сира шак- сибўха қилмаган эдик.

Р. Роме: Еримизнинг йўлдо- шидан олиб турилгандаги ахбор- от, ҳеч шубҳасиз, жуда катта аҳамиятга эга бўлади», деди. Олим, энди биз Ойнинг юзасига тааллуқли кутилмаган хабар- лар келади, деб умид қилиши- миз мумкин, деган фикрини айтди.

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югосла- виянинг Федератив Социалистик Республикаси иттифоқ скуп- шинининг депутаты профес- сор Драгиша Иванович ТАСС мухбирига қуйидагиларни айт- ди: совет фанининг янги ажи- оиб галабаси фақат совет хал- қига эмас, шу билан бирга Ер юзасидаги барча прогрессив ки- шиларга ҳам зўр шодлик бахш этди.

Койноз ичкарисига яна бир мардона ва дадил қадам қўйил- ди. Космик фазоларини тадқиқ қилиш тўғрисидаги ёш фан- нинг яна бир номаълум боби очилди, планетамизнинг энг яқин йўлдоши — Ойни тадқиқ қилишда зўр зафар қозонилди. Совет олимларини, барча со- вет кишиларини ана шу шон- ли галаба билан чин қўнғил- дан таъриқлашим келади!

Ой сатҳига инсон оёқ босади- ган кун узоқ эмас, деб ўйлай- ман, — деди Югославия олим- и, — бу одам совет кишии бўли- шига аминман!

ЗЕНИТЧИЛАР ЗАРБАСИ

ПНОМ-ПЕНЬ. Камбоджа зе- нитчилари 30 январда Канда- лан яқинида Камбоджанинг ҳаво ясофасига бостириб кирган «С-130 Геркулес» типдаги Америка самолётини уриб ту- ширдилар. Кхмер матбуот агентлиги шу ҳақда хабар бер- ди.

Фойдали визит

КОБУЛ. (ТАСС). Кобул газетала- ри Афғонистон бош министри Хошим Мейвадвалининг Совет Иттифоқига қилган расмий визи- тига икки мамлакат ўртасидаги муносабатларини муостахкамлаш нишда қўрилган катта қора, деб баҳо бермоқда ҳамда СССР бил- лан Афғонистон давлат аربобла- ри ўртасидаги шахсий алоқалар- ни ривожлантириш фойдали

ҲАҲРАМОНЛАРГА МУКОФОТЛАР

ХАНОЙ. 4 февраль. (ТАСС). Озодлик армиясининг қисмлари ва Чучи райони партизанлари аме- рика агрессорлари ва Сайгон қў- бирчоқ қўшинларининг йирин куч- лари билан бўлиб ўтган шиддат- ли жангларда американинг 1315 солдати ва офицери, қўғирчоқ қўшинларининг 39 солдати ва офи-

цери сафдан чиқардилар. Аме- риканинг 48 вертолети ва само- лётини уриб туширдилар, 38 та турли транспорт воситаларини йўқ қилдилар ва кўп миқдорда ҳар- лар билан бўлиб ўтган шиддат- ли жангларда американинг 1315 солдати ва офицери, қўғирчоқ қўшинларининг 39 солдати ва офи-

ОСВАЛЬДО ДОРТИКОСНИНГ ХО ШИ МИНГА МАКТУБИ

ГАВАНА. (ТАСС). «Куба революцион ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси ҳу- куматиинг факрли тинч му- зокаралар учун зарур бўлган тўрт модала ёки тўрт шартдан иборат позициясини батамом қўллаб-қувватлайди ва Жану- бий Вьетнам миллий озодлик фронтини Жанубий Вьетнам халқининг бирдан-бир ҳақиқий вакили деб танийди», — дейи- лади Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортико- синг ВДР президенти Хо Ши Миннинг мактубига жавобан юборган хатиди. Куба ҳукума- ти, дейлади, Пренса «Латина агентлиги тарқатган бу мактуб- да, «Вьетнам халқининг қаҳра-

монона ҳаракатларига» ўзи- нинг қойил қолаётганлигини билдирди. «Вьетнам халқи Қўшма Штатлар ҳукумати то- монидан қилинаётган «адолат- сиз, жинояткорона ва беҳаё империалистик қуролини агре- сияга зўр революцион мардо-

наворлик билан қаршилик кўр- сатмоқда». Куба халқи ва революцион ҳукумати номидан президент Дортико Қўшма Штатлар Вьетнам Демократик Республи- касини яна бомбардиров қила бошлаганига қарши қоят кескин порозилик билдирди.

АҚШда яна ядро қуроли портлатилди


ВАШИНГТОН. 4 февраль. (ТАСС). Кеча Невада штатидаги полигонда ҳам қувватли ядро қу- роли ер остида синаб қўрилди. Шу билан ядро қуроли бу йил

тўртинчи марта портлатилди, деб хабар беради АҚШнинг атом энер- гияси билан шугулланувчи комис- сияси.

Венгриянинг
янги шаҳри

Январда Венгрия Халқ Республикасида янги шаҳар бунёдга келди. Бу Венгриянинг янги 64-шаҳридир. У республика пойтахти- дан 30 километр нари- даги Гёёлё қишлоғи ўрнида қал қўтарди. Шаҳарда аҳоли сон 20 мингга етади. Бу ерда машҳур қишлоқ хўжалик институтини, 2 та йирин саноат корхо- насини қўйлашган. Кел- гуси пайларда шаҳарда касалхоналар, мактаб- лар, ўзига-ўзи хизмат қилувчи магазинлар қуриш қўзда тутилган. Суратда: қишлоқ хўжа- лик институтини олдида.

МТИ — ТАСС фото- си.



БАСКЕТБОЛ

ГАЛАБА ВА
МАҒЛУБИЯТ

Тошкентнинг «Армия» спорт клу- би ва «Таштекстильмаш» коман- даси кетма-кет иккитадан галаба қозониб турнир жадалини бош- қариб бораётган эди. Учунчи ку- ни аёллар Донецкнинг анча куч- ли ва аҳил коллективни «Аван- гард» устидан 44:41 ҳисобида галаба қозондилар. Бу ўйинда хизмат кўрсатган спорт мастери Р. Салимова яна ўзини кўрсатди ва командасига 24 та очко олиб берди.

Тошкентнинг армия спорт клу- би баскетболчилари Қозоннинг «Буревестник» командаси билан учрашиб 58:63 ҳисобида енгил- дилар.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: АЕЛЛАР — «Буревестник» (Олмаота) — «Динамо» (Минск) — 57:53; «Спартак» (Ереван) — «Спар- так» (Пейза) — 55:51, ЭРКАК- ЛАР — «Буревестник» (Ленин- град) — «Индустрий» (Киев) — 66:64, «Локомотив» (Ош- маота) — «Авангард» (Донецк) — 89:73.

Уч турдан кейин аёллар ўрта- сида «Таштекстильмаш», эркек- лар ўртасида Олмаотанинг «Бу- ревестник» командаси олдинда бормоқда.

П. КОНОВАЛОВ.

ФУТБОЛ

БЕЛУ —
ОРИЗОНТИДА—6:1

Белу — Оризонти, 4-февраль (ТАСС махсус мухбири). СССР терма командаси Бразилияда нав- батдаги учинчи учрашувини Белу—Оризонти шаҳрида «Атлети- ко Минейро» командаси билан ўтказди ва 6:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Рақиб дарвозасига Копа- ев (3 ва 16-минутда) ва Численко (20 ва 69-минутда)лар иккитадан тўп киритишди. Қолган икки тўп- нинг авторлари Хусанов (5-ми- нут), Месхи (25-минут)лардир. Йғона жавоб тўпини майдон эга- лари ўйинчиси Тониоли иккинчи таймда киритди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ- КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Таџикского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор уринбасар- лари — 25885, 26232, Машхул секретари — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши — 25811, Саноат, транс- порт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжа- лиги, фан, маънаб ва олий ўқув орталари бўлимлари — 29406. Совет иш- лари, маънаб ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Катталар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Ўзлонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08113.

Г — 1046.

ИНДЕКС 64969

Реклама
ВА
Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — Севишли саройда (болалар учун) 17.45 — Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 18.00 — Севитаччи (болалар учун мультфильм), 18.10 — Телевизион янгиликлар, 18.25 — Сув ости ўзгалари (илмий-омабоп фильм), 18.35 — Рекла- ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 18.40 — Телевизи- он миниатюралар («Вилли» студияси).

Рус тилида: 19.15 — Совет спорт киновжурнали ва Бева- келинлар номли кинокомедия. 20.35 — Эшиттиришлар програм- маси.

Ўзбек тилида: 20.40 — Эргаш Йўлдошев («Дилрабо садолар» циклидан).

22.00 — Марказий телестудия эшиттиришлари (Москвадан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телесту- дияси эшиттиришлари.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да Борис Годунов, 6/II да Евгений Онегин.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да кечурун ва 6/II да кундуз Сарғомат дилбарим, 6/II кечурун «Ўғирланган умр. МУҲИМ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да Ишқинг билан, 6/II да Уғил йилантириш.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 5, 6/II кеч соат 7 яримда Қозоғистон артистларининг гастроллари. Ви- летлар сотилмоқда.

КИНО

Бу телба дунё (кең форматли фильм) — САҲҲАТ САРОНИ, НА- ВОНИ НОМЛИ (кундуз ва кечурун- ру).

Соҳта подшо — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечурун). Уйқудаги арслон — «КОМСО- МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» — «ИСКРА» (2 ва 3-залда, кундуз ва кечурун).

Балли, ҳамшира! — «ИСКРА» (1-залда кундуз ва кечурун). Австралиялик хотин излайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун- дуз соат 2 ва кеч 9-45 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 5 февралдан АНАТОЛИЙ ФУРМАНОВ

гастроллари

(иллюзион аттракцион). РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР ДОВЕКИО раҳбарлигида акробатлар группаси, Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист, МИХАИЛ ВА ЛЮДИЛА ЛАЛАШВИЛИЛА (айланма сым устиди), Зоя ва Николай Ирленко («вертолётда» ҳаво гимнастикаси) ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Вилетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

7 февраль кеч соат 8 да шаҳар студентлари учун 3-абонемент бўлича: «ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ ОРКЕСТРИ ВА ХОР САҲҲАТИ» деган темада

концерт-лекция

Леонор — музикашунос Тавур Жумаев. Концертда Ўзбек давлат фил- лармонийсининг Ўзбек халқ чолгу оркестри ва хор катта- ларини, СССР халқ артисти Саодат Қобилова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сасон Беньямин, номсоз ва- тория доценти Ахмед Одилов, солистардан Холмасон Кодирова, Раббим Ҳамдамовлар қатнашади.

Абонементлардан ташқари билетлар Эстрада театри кас- сасида ва райкассаларда соти- лади.

ТОҒДА ДАМ ОЛИШ ИШКИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИ! «ТАШТРАНСАГЕНТСТВО» ЧИМЕНГА БОРИШ, шунингден бошқа мақсадлар учун

имтиёзли шартларда нафд пулга ва переисчисление тартибиди

автобуслар
БЕРАДИ.

Мурокаат учун адрес: Тош- кент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 36-уй. Телефон 3-21-52